

Ақийда дарслари (131-дарс). Аллоҳни нуқсонлардан поклаш



15:00 / 26.04.2021 4528

Азиз ўқувчи, биз юқорида Аллоҳ таолонинг нақлий ва ақлий далиллар билан собит бўлган бир қанча сифатларини ўрганиб чиқдик. Ана ўша сифатларга иймон келтириш лозим ва лобуддир. Албатта, уларга иймон келтириш уларга зид бўлган сифатлардан Аллоҳ таолони поклашни ҳам тақозо қилади.

Бу ишни қилмоқчи бўлсак, баъзи кишилар оят ва ҳадисларни далил қилган ҳолда бизга бошқача гапларни ҳам айтганлар. Улардан баъзилари Аллоҳ таолога Унинг махлуқотларида бор сифатларни нисбат беришса, бошқалари тамоман тескари фикрни айтиб, Аллоҳ таолога ожизлик сифатини беришгача етиб борганлар. Улар асосан муташобих оят ва ҳадислар асосида фитнали гапларни қўзғаганлар.

Қуръони Каримда келган муҳкам – ойдин оятларнинг маънолари равшан, тушунилиши ҳам осон.

«Улар китобнинг аслидир», яъни ўша муҳкам оятлар Қуръоннинг аслини ташкил қиладилар.

Шу билан бирга, Аллоҳ ирода қилган ҳикмат учун Қуръонда муташобих – бир-бирига ўхшаш маъноларни билдирадиган, турлича маънога буриш мумкин бўлган оятлар ҳам бор. Лекин булар жуда ҳам оз бўлиб, кишиларнинг иймонини синашга хизмат қиладилар.

«Аmmo қалбларида оғиш бор кимсалар фитна мақсадида ва уни таъвил қилиш мақсадида ундан муташобих бўлганига осилиб оладир».

Демак, аслида эътиқоди бузуқ кишиларни фош қилишда муташобих оятлар иш берар экан. Қалбида марази бор, ҳидоятдан оғган бундай кишилар ақийда ва шариатнинг нозик усулларини очиқ-ойдин баён қилиб берган муҳкам оятларни бир четга суриб қўйиб, ғойибдан эшитиш орқали собит бўладиган хабарларга, турли маъноларга далолат қиладиган муташобих оятларга фитна қўзиш, уни таъвил қилиш мақсадида эргашар эканлар.

«Таъвил» сўзи бирор сўз ёки тушунчани сиртқи маъносидан бошқа маънога кўчириш, деган маънони англатади.

Қалбларида ҳидоятдан оғиш бор бўлган мазкур кишилар муташобих оятларни ўзларига қурол қилиб олиб, фитна қўзиш учун ўз ҳавойи нафсларига мувофиқ таъвил қиладилар. Ва ҳолбуки, муташобих оятларнинг таъвилини ҳамма ҳам билавермайди:

«Унинг таъвилини Аллоҳдан бошқа ҳеч ким билмас».

Муташобих оятларнинг ҳақиқий таъвилини фақат Аллоҳ таолонинг Ўзигина билади. Шунинг учун мўмин-мусулмон кишилар муташобих оятларнинг таъвилига машғул бўлмасдан, уни Аллоҳ таолонинг Ўзига ҳавола этишлари керак.

«Илмда мустаҳкам бўлганлар эса: «Унга иймон келтирдик, барчаси Роббимиз ҳузуридандир», дерлар».

«Илмда собит бўлганлар» – бандалар ичида илмнинг олий даражасига етган уламолардир.

қуйидагича ёлворадилар:

دَاعِيْمًا فَلَخُيَّ الْعَلَّةِ لَلَّ نِ فِي بَبِّي رَّالِ مَّوَيِّ لَسَّ اَنْ لَّ اَعْمَاجَ كَّنَّ اِنَّ بَرَّ

«Роббимиз, албатта, Сен одамларни ҳақида ҳеч шубҳа йўқ Кунда йиғувчисан. Албатта, Аллоҳ ваъдага хилоф қилмас» (Оли Имрон сураси, 9-оят).

Келишига «ҳеч шубҳа йўқ Кун» қиёмат кунидир.

Аллоҳ таоло ўша кунда барча одамларни жамлаб, сўроқ-саволга тутиб, амалига яраша жазо ёки мукофот беришини ваъда қилган. Мўмин бандалар бу ишнинг албатта бўлишига қаттиқ ишонадилар. Чунки Аллоҳ ваъдасига хилоф қилмайди.

«Сунний ақийдалар» китоби асосида тайёрланди